

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Кичик бизнес ва тадбиркорлик» кафедраси

«Кичик бизнесда инвестицион фаолият»
фанидан

КУРС ИШИ

МАВЗУ: Халқаро бозорда валюта позициялари ва валюта шартномаларининг
асосий турлари

Бажарди: Сапиев Нурбек

Илмий раҳбар: Муратов Р.С.

Тошкент – 2012

1-боб: Халқаро бозорларда валюта позицияларининг тутган ўрни ва аҳамияти

1.1. Валюта позициялари тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти

1.2. Халқаро валюта операцияларининг айирбошлаш жараёнлари

1.3. Халқаро молиянинг асосий концепциялари

2-боб. “НУР” МЧЖ фаолиятини диверсификациялаш асосида иқтисодий хўжалик ҳолатининг таҳлили

2.1. “НУР” МЧЖ ташкилий-иқтисодий хўжалик фаолиятининг тавсифи

2.2. “Нур” МЧЖ хўжалиги паррандачилик маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича рақобатчилик ҳолати таҳлили

2.3. “НУР” МЧЖ фаолиятини диверсификациялаш асосида ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш стратегиялари

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этилган фирманинг молиявий менежери товар ёки хизматлар экспорт қилинадиган, хорижий бўлинмалар, филиаллар, шўъба компаниялари фаолият кўрсатаётган кўплаб давлатларнинг валютаси билан ишлайди. КМК бош компаниясига турли давлатлардан келиб тушадиган нақд пул оқими турли валюталарда ифодаланди. Шу сабабли валюта айирбошлаш курсини, шунингдек, валюта қиймати тебранишларининг таъмирини таҳлил қилиш молиявий таҳлилга киритилиши лозим. Бу омиллар фақат экспорт-импорт операцияларини амалга оширадиган фирма учун ҳам муҳим.

“Биз бугун 2010 йил якунларини баҳолаётган эканмиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур. Шунинг яна бир бор эслатиб ўтмоқчиманки, юртимизда **ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди.** Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани албатта барчамизга мамнуният бағишлайди.”¹

Миллий валюталардан ташқари, халқаро молия бозорида халқаро ташкилотлар томонидан чиқариладиган, халқаро пуллар ролини бажарувчи фидустиар пул бирликлари, маслан, СДРдан фойдаланилади.

Европа ҳудудида 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб янги минтақавий пул бирлиги – евро муомалага киритилган. Уни Европа Марказий банки чиқаради. Бу Иқтисодий валюта иттифоқига (ИВИ) кирадиган мамлакатларнинг умумий пул билиги ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бу пул бирлиги вақат нақдсиз ҳисоб-китобларда қўлланмоқда. 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб ИВИга аъзо мамлакатларда юридик ва жисмоний шахсларга нақд пул шаклида еврога хизмат кўрсатишга ўтиш режалаштирилган. Тахмин қилинадики, евро аста-секинли билан бу мамлакатлардан миллий пул бирликларини сиқиб чиқаради. Евронинг долларга нисбатан кундалик котировкаси дунёнинг молиявий газеталари ва Интернет орқали эълон қилиб борилади.

Ҳозирги пайтда СДР саватчаси АҚШ доллари, немис маркаси, япон иенаси, инглиз фунт стерлинги ва француз франки асосида тузилади. СДРнинг долладаги йиллик котировкасини Лондон биржаси беради. СДР ХВФ қатнашчи-мамлакатларининг счетлари бўйича қайдлар шаклида бўлади.

¹ И. Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” – 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

1-боб: Халқаро бозорларда валюта позицияларининг тутган ўрни ва аҳамияти

1.1. Валюта позициялари тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти

Ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этилган фирманинг молиявий менежери товар ёки хизматлар экспорт қилинадиган, хорижий бўлинмалар, филиаллар, шўъба компаниялари фаолият кўрсатаётган кўплаб давлатларнинг валютаси билан ишлайди. КМК бош компаниясига турли давлатлардан келиб тушадиган нақд пул оқими турли валюталарда ифодаланди. Шу сабабли валюта айирбошлаш курсини, шунингдек, валюта қиймати тебранишларининг таъмирини таҳлил қилиш молиявий таҳлилга киритилиши лозим. Бу омиллар фақат экспорт-импорт операцияларини амалга оширадиган фирма учун ҳам муҳим.

Ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этилган ҳар қандай хўжалик субъекти валюта позициясига эга бўлади.

Валюта позицияси — хўжалик субъектининг маълум бир валютага талаб ва мажбуриятлари нисбатидир.

“Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди, ўтган йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди. Бу авваламбор қатъий, шу билан бирга, пухта ўйланган пул-кредит сиёсати ва инқирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирларимизнинг натижасидир.”²

Валюта позицияси ҳам очиқ, ҳам ёпиқ бўлиши мумкин. ушбу валютада талаб ва мажбуриятлар мос келганда валюта позицияси пик ҳисобланади, акс ҳолда очиқ валюта позицияси халқаро гапирилади. Очиқ валюта позицияси узоқ ва қисқа позицияларга тақсимланади. Узоқ валюта позицияси хўжалик субъектининг валютага мажбуриятлари унга талабдан камлигини назарда тутди. Қисқа валюта позицияси муайян санада валютага мажбуриятлар валютага талабдан катта бўлган ҳолатда вужудга келади.

Жаҳон хўжалигининг барча субъектлари халқаро валюта тизими (ХВТ) доирасида ишлайди. Жаҳон валюта тизими фаолиятининг белгиланган босқичи хусусиятлари халқаро менежер томонидан кундалик фаолиятда ҳисобга олиниши лозим, чунки бу унинг кўплаб қарорларига чекловлар қўяди.

Жаҳон валюта тизими — мамлакатлар валюта муносабатларининг тарихан шаклланган, ҳукуматлараро келишувлар билан мустаҳкамланган шаклидир.

Валюта тизимининг асосий *конструктив элементлари* қуйидагилар саналади:

- мамлакатдан олиб чиқилган бойликни ўлчаш қиймати;

² И. Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” – 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

- валюта курсини белгилаш усули;
- валюта бозорлари;
- мамлакатларнинг валюта фаолиятини тартибга солувчи халқаро ташкилотлар.

Валюта интервенцияси — марказий банк томонидан давлатнинг валюта бозорида хорижий валюталарни миллий валютага олди-сотдиси.

Валюта курсининг *қатъий белгилаб қўйилишига* кўпроқ ривожланаётган мамлакатлар мурожаат қилади. Валюта курсини белгилаб қўйиш эркин конвертацияланадиган валюта, СДР, евро, махсус тузилган валюталар саватчасига нисбатан амалга оширилади. ХВФнинг муҳим хусусияти ҳозирги пайтда олтиннинг барча монетар функцияларини йўқ қилганлиги ҳисобланади. Мамлакатлар ўз валютасини олтинга нисбатан белгилаб қўйиш ҳуқуқига эга эмас, шунингдек, олтин дунё пули ролини бажаришни ҳам тўхтатди.

Валюта курсининг аралаш ўзгариши 1999 йилгача Европа валюта тизимига кирган мамлакатлар учун хос бўлган. Бу мамлакатларнинг валюта курслари ЭКЮга нисбатан белгиланган ва бу эквивалент орқали валюталарнинг бир-бирига нисбатан курси аниқланган. Йўл қўйиш мумкин бўлган тебранишлар чегараси қатъий белгилаб қўйилган паритетга нисбатан $\pm 15\%$ даражада белгиланган. Амалиётда валюта курслари тебранишига бундан қаттиқ чекловлар ҳам фойдаланилган. Валюталар курсини норасмий боғлаб қўйиш қатъий белгиланган курсга нисбатан $\pm 2,25\%$ даражада белгиланган. ЕВТ мамлакатлари валюталари бу гуруҳга кирмайдиган мамлакатларнинг валюталарига нисбатан эркин ўзгаради. Бугунги кунда бу мамлакатлар ҳудудида Европа умумий валютаси *евро* муомалада.

XX аср охирларида глобал иқтисодий инқироз шароитларида АҚШ доллари, евро, иена ва юанни бир-бирига боғлаб қўйиш, шунингдек, уларнинг ўзгаришини биргаликда тартибга солиш вариантлари кўриб чиқиладиган бўлади.

Ямайка валюта тизимида тартибга солувчи валюта органи ролини **Халқаро валюта фонди (ХВФ)** ўйнайди. Унинг асосий вазифаси — мамлакатларнинг валюта сиёсатини кузатиб бориш, мамлакатнинг тўлов балансида қийинчиликка эга бўлган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. У халқаро молиявий муаммоларни ечишда давлат ҳамкориги механизмини таъминлаб, халқаро кооперацияга хизмат қилиши кўзда тутилган. Унинг вазифалари қаторига шунингдек, валюта айирбошлаш қоидалари ва валюта курсларини назорат қилиш, валюта операциялари бўйича байналмилал тўлов тизимлари яратиш, миллий валюта чекловларига қарши кураш киради.

Очиқ валюта позициясига эга бўлган хўжалик субъекти валюта рискига дуч келади. Халқаро менежер очик валюта позицияси ҳажмини, валютна rischi миқдорини ва ушбу riskни қоплашнинг маъқул келадиган усуллари баҳолай олиши лозим.

1.2. Халқаро валюта операцияларининг айирбошлаш жараёнлари

Форвард валюта айирбошлаш шартномаси бу — банк ва мижоз ўртасида келагусида белгиланган санада белгиланган хорижий валюта

суммасини сотиш ёки сотиб олиш бўйича ижро этиш мажбурий бўлган битимдир.

Бу нуқтаи назардан валюта, сумма, айирбошлаш курси ва тўлов санаси битим имзоланган пайтда қайд этиб қўйилади. Амалга ошириладиган форвард битимининг валюта курси *форвард курси* деб аталади. У муддатли ҳисобланади.

Жорий бозорда валютани етказиб бериш (касса, нақд, зудлик билан) билан боғлиқ битим курси *спот-курс* деб аталади. Бунда *валюталаштириш стандарт спот-санаси* (валюта маблағлари бевосита битим бўйича томонлар тасарруфига келиб тушадиган сана) шартнома имзоланган кундан кейинги икки иш куни ҳисобланади. Ностандарт спот-саналар ҳам мавжуд, масалан, *тод* ва *том*, улар валюта етказиб бериш муддатини шартнома имзоланган кунга мос равишда жорий кунгача ва бир иш кунигача қисқартиради.

Валюталаштиришнинг бошқа саналари (шартнома имзоланган кундан бошлаб икки кундан ортиқ) *муддатли* деб аталади ва муддатида етказиб бериладиган валюта умумий суммасига мос келувчи валютадаги депозитлар бўйича фоиз ставкалари миқдорида тузатиш киритилишини назарда тутди.

Форвард битимлари муддати 3 кундан 5 йилгача бўлиши мумкин, бироқ уларнинг энг тарқалганлари битим имзоланган кундан бошлаб 1, 3, 6 ва 9 ой ҳисобланади.

Форвард курси (FR) ва курс спот (SR) бир-бири билан узвий боғлиқ.

Агар $FR > SR$ бўлса, *валюта «мукофот» билан котировка қилинади*, агар $FR < SR$ бўлса, *валюта «дисконт» билан котировка қилинади* дейилади. Валюта бўйича мукофот ёки дисконт ҳажми қуйидаги тарзда аниқланади:

$$FR(Pm / Dis) = \frac{FR - SR}{SR} \times 100\% \times \frac{360}{t(30, 90, 180)},$$

бу ерда $FR(Pm/Dis)$ — форвард мукофоти ёки дисконт;

FR — форвард курси; SR — курс спот; t — форвард шартномаси муддати.

Валюта бўйича мукофот ва дисконтлар валютани форвард битимга киритишнинг даромадлилигини векселлар ва молия бозорининг бошқа воситаларига киритишдан даромад билан таққсолаш мумкин бўлиши учун *йиллик фоизларда* ифодаланади.

Кросс-курс — икки валюта ўртасида уларнинг учинчи валютага нисбатидан олинган айирбошлаш курси.

Учинчи валюта сифатида одатда АҚШ доллари қатнашади.

Форвард курсини котировка қилишнинг иккита асосий усули мавжуд: *аутрайт* усули ва *своп-ставкалар* усули.

Аутрайт усули билан котировкада банклар тўлиқ спот-курсни ҳам, тўлиқ форвард курсини ҳам, шунингдек, валюта етказиб бериш муддати ва суммасини ҳам кўрсатади.

Бироқ кўп ҳолларда форвард курси *своп-ставкалар* ёрдамида котировка қилинади. Своп-ставкалар мос келувчи валютанинг долларга нисбати бўйича мутлоқ улушларда ифодаланади.

Форвард битими курсини своп-ставкалар усули билан котировкаларда фақат мукофот ва дисконт аниқланади, улар тўғри котировкада мос равишда спот курсига қўшилади ёки ундан айирилади. Валюталар тескари котировкасида курс спотга дисконт қўшилади, мукофот эса айириб ташланади.

Тўғри котировка — хорижий валюта бирлиги қийматининг миллий валюта бирлигида ифодаланиши.

Тескари котировка — миллий валюта бирлиги қийматининг хорижий валюта бирлигида ифодаланиши.

Дунёда тўғри котировка энг кўп қўлланади. Масалан, 1 доллар учун 30 рубль— долларнинг Россия бозоридаги тўғри котировкаси. Анъанавий равишда инглиз фунт стерлинги тескари котировкаланади. Своп ставка миқдори қатнашаётган мамлакатлар фоиз ставкаларининг ҳар хиллиги билан белгиланади ва қуйидаги тарзда аниқланади:

$$\text{Ставка}_{\text{своп}} = \frac{SR_0 \times (r_h - r_f) \times t}{(360 \times 100) + (r_f \times t)}$$

бу ерда SR_0 — спот-курс ; r_h — миллий валюта бўйича фоиз ставкалари;
 r_f — хорижий валюта бўйича фоиз ставкалари; t — шартномани бажариш муддати.

Форвард операцияларини, айниқса, узоқ муддатли операцияларни амалга оширишда валюта risks сезиларли ортади, чунки етказиб бериш санасида валюта курсининг олдиндан айтиш мумкин бўлмаган ўзгариш эзтимоли ва ҳамкорнинг тўлов лаёқатига эга эмаслик risks ўсади.

Фьючерс валюта шартномалари

Фьючерс операциялари моҳиятига кўра форвард битимларга ўхшаб кетади. Фьючерс операциялари шунингдек, валютани битим имзоланган кундан бошлаб 3 кун ичида етказиб бериш билан боғлиқ, бунда шартномани келажакда ижро этиш нархи битимимзоланган куни белгиланади

Бироқ, ўхшаш жиҳатлар кўп бўлсада, фьючерс операциялар билан форвард операциялар ўртасида жиддий фарқлар ҳам мавжуд.

Биринчидан, фьючерс операциялари асосан биржа бозорида, форвард операциялари эса банклараро бозорда амалга оширилади. Бу шунга олиб келадики, фьючерс шартномасини ижро этиш муддати белигланган санага (масалан, ҳар ойнинг учинчи чоршанбаси) боғлаб қўйилади ва муддати, ҳажми, етказиб бериш шартлари бўйича стандартлаштирилади. Форвард шартномаларида эса битим муддати ва ҳажми томонларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади.

Иккинчидан, фьючерс операциялари валюталар чекланган доираси: АҚШ доллари, евро, иена, фунт стерлинг ва бошқа айрим валюталар билан амалга оширилади. Форвард шартномасини шакллантиришда эса валюталар доираси анча кенгрок.

Учинчидан, фьючерс бозори йирик инвесторлар учун ҳам, якка тартибдаги ва майда институтционал инвесторлар учун ҳам очик. Форвард бозорларининг

кичик фирмалар учун очиклиги чекланган, чунки форвард операциялари асосан йирик суммалар билан амалга оширилади.

Тўртинчидан, фьючерс операциялари 95%га офсет (тескари) битим тузиш билан якунланади: бунда валютан ҳаққатда етказиб бериш амалга оширилмайди, ушбу операстия қатнашчилари эса фақат шартнома имзолангандаги бирламчи нарх ва тескари битим амалга оширилган кундаги нарх ўртасидаги фарқни олади. Форвард операцияларда битимларнинг 95%и шартнома бўйича валюта етказиб бериш билан якунланади.

Бешинчидан, шартномаларни стандартлаштириш шуни англатадики, фьючерс битимлари банк ва мижоз ўртасида якка тартибда тузиладиган форвард битимларига нисбатан анча арзон амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли форвард битимлари одатда қимматроқ бўлади, яъни уларга олди-сотди спреди (курсдаги фарқ) катталиги ҳамроҳлик қилади. Бу позицияларни ёпишда мижоз учун катта харажатларга олиб келиши мумкин.

Шартномаларнинг икки тури ўртасидаги асосий фарқлар 1.-жадвалда акс эттирилган.

1-жадвал.

Форвард ва фьючерс шартномалари ўртасидаги фарқлар

Мезон	Форвард шартномаси	Фьючерс шартномаси
Шартнома	Индивидуал	СТандартлаштирилган
Комиссион	Индивидуал	СТандартлаштирилган (шартнома суммасининг 2% дан 5% гача)
Бажариш бўйича кафолатлар	Индивидуал	СТандартлаштирилган
Савдо операцияси	Биржадан ташқари	Биржада
Ликвидлик	Паст	Юқори
Таҳдид	Келишаётган томонлар қабул қилади	Биржа клиринг палатаси қабул қилади
Фойда/зарар	Етказиб беришда	Фойда ёки зарар биржа савдолари асосида ҳар куни аниқланади

Манба: Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: 17 - е изд. – М.: ИНФРА – М, 2009. – 916 с.

Ҳисоб-китоб палатаси ҳар куни жорий бозор нархларига мувофиқ шартномаларни қайта баҳолайди. Агар шартнома бўйича зарар кўриладиган бўлса, маржа талаб қилинаётган суммадан кам бўлмаслиги учун қўшимча таъминот киритиш талаблари қўйилади.

Фьючерс битимида мижознинг ҳамкори бўлиб мос келувчи фьючерс биржасининг ҳисоб-китоб (клиринг) палатаси намоён бўлади. Фьючерс биржаларининг ўзи уларда муомалада бўлган шартномалар ҳажми ва битим тузиш қоидалари бўйича фарқланади. Валюта фьючерс шартномалари муомалада бўлган асосий биржалар — Чикаго товар биржаси (СМЕ),

Филадельфия савдо палатаси (PBOT), Сингапур халқаро валюта биржаси (SIMEX).

Шу тариқа, валюта айирбошлаш фьючерслари муомалада бўлган стандартлаштирилган биржа шартномаларини ифодалайди. Банклар ва брокерлар битим томонлари ҳисобланмайди, улар фақат мижозлар ва фьючерс биржасининг ҳисоб-китоб (клиринг) палатаси ўртасидаги воситачилар ролини ўйнайди, холос.

1.3. Халқаро молиянинг асосий концепциялари

Халқаро молиявий менежер ўз ишида унга вазиятнинг ривожланиш сценарийсини тузиш ва қабул қилинадиган қарорларнинг оқибатларини башорат қилишга имкон берадиган назарияга таяниши лозим. Улар қаторига валюта бозори паритети асосий шартларини тавсифловчи назариялар киради:

1) валютанинг харид лаёқати паритети назарияси (PPP — Purchasing Power Parity);

2) фоиз ставкалари паритети назарияси (IRP — Interest Rate Parity);

3) «Фишер самараси» (Fisher Effect);

4) «халқаро Фишер самараси» (International Fisher Effect);

5) силжитилмаган форвард курси назарияси (Unbiased forward rate).

Паритет шартларини топиш иқтисодий-математик аппарат ёрдамида топилади, халқаро валюта бозорининг асосий индикаторлари ўртасидаги алоқани аниқлаш ва шу асосда капитал инвестициялаш учун энг оптимал йўллارни излаб топиш учун зарур.

Барча паритет назариялари унга кўра бир хил riskли молиявий активлар нархи барча жаҳон бозорларида операцион харажатларни ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритилган умумий нарх қонунининг ҳосиласи ҳисобланади. Тўғрилаш механизми бўлиб халқаро арбитраж намоён бўлади.

Арбитраж — активни арзон бозорда сотиб олиш ва уни қимматроқ бозорда сотиш билан боғлиқ операциядир.

“2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шу борада ўтган йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни **0,3 фоиз профицит** билан бажарилганини таъкидлаш зарур.»³

Валютанинг харид лаёқати паритети назарияси (PPP — Purchasing Power Parity)

Валюта харид лаёқатининг мутлоқ ва нисбий паритети фарқланади. Улар мамлакатларда нарх даражаси (инфляция даражаси) ва уларнинг валюта курси ўртасидаги ўзаро алоқаларни кўрсатади.

³ И. Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” – 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

Харид лаёқати мутлоқ паритети назарияси бўйича валюта курси турли мамлакатлардаги нархлар нисбати сифатида аниқланади:

$$SR = \frac{P_h}{P_f}$$

бу ерда SR — валюта курси.

P_h — ўз мамлакатада нарх даражаси,

P_f — чет эл мамлакатада нарх даражаси,

Умумий нарх қонуни бўйича бир мамлакатдаги нархлар валюта курсини ҳисобга олган ҳолда бошқа мамлакатдаги нархга тенг бўлади:

$$P_h = P_f \times SR$$

Бироқ ушбу назария реал воқеликни етарли даражада аниқ акс эттирмайди, чунки умумий нарх қонунини амалга оширига қуйидагилар халақит беради:

- тариф билан боғлиқ ва тарифсиз тўсиқлар;
- таққосланаётган мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол структурасидаги фарқлар;
- худди шундай товарлар ишлаб чиқариш харажатларидаги фарқлар;
- бошқа омиллар.

Валюта харид лаёқатининг нисбий паритети назарияси валюта курси ҳажми башоартини тузиш нуқтаи назаридан аниқроқ ҳисобланади. У мамлакатлар ўртасида нарх мутлоқ даражалари ўтасидаги нисбатни эмас, белгиланган вақт оралиғида уларнинг ўзгаришини ҳисобга олади:

$$SR_1^a = SR_0 \times \frac{1 + \Delta P_h}{1 + \Delta P_f}$$

бу ерда ΔP — нарх ўзгариши; SR_0 — ўтган даврдаги мувозанат курси.

Валюталар курсининг ўзгариши кўриб чиқиладиган мамлакатлар ўртасида инфляция суръатининг ўсишига боғлиқ бўлади. Мамлакат ичкарида нархларнинг чет эл мамлакатларига нисбатан тезроқ ўсиши миллий валютанинг қадрсизланишига олиб келади.

Фоиз ставкалари паритети назарияси (IRP)

Ушбу назария форвард курси микдори ва депозитлар бўйича фоиз ставкалари даражасини боғлайди. Улар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги тарзда ифодаланади:

$$\frac{FR}{SR} = \frac{1 + r_h}{1 + r_f} \text{ — или — } \hat{FR} = \hat{r}$$

бу ерда FR — валюта муддатли курси, SR — валюта спот-курси;

r — миллий депозитлар бўйича фоиз ставкалари;

r_f — чет элда депозитлар бўйича фоиз ставкалари.

Бу назарияга мувофиқ, мувозанат шароитларида юқори (паст) фоиз ставкалари валюта бўйича форвард дисконт (мукофот) билан қопланиши лозим.

«Фишер самараси» (Fisher Effect)

Бу самара фоиз ставкаларини кўриб чиқиладиган мамлакатдаги инфляция билан боғлиқ.

Оддий (ординар) Фишер назариясига кўра мамлакатда r номинал фоиз ставкаси R реал фоиз ставкаси ва p инфляция суръатига боғлиқ:

$$(1 + r) = (1 + R) \times (1 + p),$$

бу ерда r — номинал фоиз ставкалари,

R — реал фоиз ставкалари; p — инфляция суръати.

Икки ва ундан ортиқ мамлакатларга нисбатан умумий Фишер самараси қўлланади, унга мувофиқ таққосланаётган мамлакатларда фоиз ставкаларидаги фарқ уларнинг инфляция суръати фарқининг функцияси ҳисобланади. Инфляция суръати баландроқ валюталар инфляция суръати паст валюталарга нисбатан баландроқ фоиз ставкасига эга бўлиши лозим.

$$\frac{1 + r_h}{1 + r_f} = \frac{1 + p_h}{1 + p_f}, \quad \text{ёки} \quad \hat{P}^a = \hat{r}$$

«Халқаро Фишер самараси» (International Fisher Effect)

Ушбу самара ёрдамида фоиз ставкаларидан валюта курсларига ўтиш амалга оширилади. «Халқаро Фишер самараси»га мувофиқ фоиз ставкалари фарқи нақд валюта курслари кейинги ўзгаришларининг ҳолис баҳоси ҳисобланади. Шундай қилиб, хорижий ёки маҳаллий иқтисодий инвестициялашдан кутиладиган даромадлар (маҳаллий валютада) тенглаштирилиши, курс дифференциали эса мос келувчи мамлакатлар ўртасида фоиз дифференциалига тенг бўлиши лозим:

$$\frac{SR_1}{SR_0} = \frac{1 + r_h}{1 + r_f}, \quad \text{ёки} \quad \hat{SR}^a = \hat{r}$$

бу ерда SR_1 — башорат қилинадиган даврнинг спот-курси;

SR_0 — базавий даврнинг спот-курси;

r_h — миллий валюта бўйича фоиз ставкалари;

r_f — хорижий валюта бўйича фоиз ставкалари.

2-боб. “НУР” МЧЖ фаолиятини дивесификациялаш асосида иқтисодий хўжалик ҳолатининг таҳлили

2.1. “НУР” МЧЖ ташкилий-иқтисодий хўжалик фаолиятининг тавсифи

“НУР” маъсулияти чекланган жамият юридик шахс сифатида Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунларига ва жамиятнинг уставига асосан тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, тижорат, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида тузилган фаолият кўрсатади.

Корхона ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ўз Низомига асосланган ҳолда олиб боради.

Жамият хўжалик иқтисодий фаолиятини амалга оширишда унинг тизимида мавжуд бўлган асосий капитал маблагларнинг ҳолати ва салоҳиятига ўзвий боғлиқдир.

“Нур” МЧЖ корхонасининг 2009 йил якунларига кўра ушбу корхонада юқорида такидлаганимиздек 60 нафар ишчилар фаолият юритиб, ушбу корхонанинг йиллик ўртача иш ҳақи фонди 22500 минг сўмни ташкил этган яъни аниқроқ қилиб айтганда ушбу корхонада фаолият юритаётган ҳар бир ходим йиллик ўртача 300-350 минг сўмга даромадга эга бўлган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга кенг йўл очиб бериш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз навбатида **“Нур” МЧЖ** корхонасининг иқтисодий хўжалик фаолиятига ҳам ижобий таъсир этди. Бунинг яққол тасдиқи сифатида корхонанинг 2009 йилдаги иқтисодий фаолияти натижаларини таҳлил этиш орқали кўришимиз мумкин.

2010 йил маълумотларига кўра корхона асосан икки хил маҳсулот турини ишлаб чиқарган бўлиб уларга пархезли тухум ва парранда гўштини киритиш мумкин. Йил якунига кўра корхона жами 3500 минг дона пархезли тухум ва 69000 минг сўмлик парранда гўшти маҳсулотларини ишлаб чиқарган. Жами маҳсулотлари сотувидан келган тушум йилига 366000 минг сўмни ташкил этган.

Мазкур **2-жадвал** маълумотларидан кўринадик, жамиятнинг хусусий капитали 2009 йил бошида устав капитали миқёсида 266 000 сўмни ташкил этган. Йил давомида лойихалаштириш ва тадқиқот фаолияти натижасида 1064,6 минг.сўм қўшимча капитал маблағлар киритилиб, тақсимланган даромадлар миқдори 5,3 млн.сўмни ташкил этган. Натижада йил бошида жами бўлиб салкам 26 млн.сўм капитал маблағлар мавжуд бўлган.

Йил давомида фаолият натижалари бўйича зарарлар миқдори салкам 6 млн.сўмни ташкил этган. Натижада йил охиридаги қолдиқ капитал маблағлари салкам 10 млн.сўмни ташкил этган, холос. Бу албатта жамият фаолиятини 2010 йилдаги иқтисодий ҳолатини мушкуллаштиради. Шунинг учун ўз активларини кўпайтириш борасида тадбиркорларни ишлаб чиқармоқдалар.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳажми авваламбор уларни исёмоличиларга етказиб бериш ва сотиш билан мажассам

боғлиқдир. Чунки бу аҳолини мазкур маҳсулотларга бўлгани талабини қанчалик қондирилганлигидан далолат беради.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўринадикки таҳлил қилинаётган 2010 йилда жами сотилган паррандачилик маҳсулотлари 1047056 минг сўмни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан ўсиш даражаси 5 мартага ёки 838 млн.сўмга ошган. 2008-2010 йилларда жами бўлиб 1688 млн. сўмлик маҳсулотлар сотилиб вилоят жами паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш салоҳиятини салкам 40 фоизини ташкил этади.

“Бундай шароитда аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади.”⁴

Шу сабабли паррандачилик маҳсулотларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада 2010 йилда паррандачилик маҳсулотларини сотиш даражаси 2008 йилга нисбатан 2.4 мартага ёки 615 млн. сўмга ошган. Бу борадаги самарали ишлар жамият бўйича янада ривожлантириш учун ҳаракат қилинмоқда.

Ишлаб чиқарилган парранда маҳсулотлари товар диверсификацияси асосан Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳамда айрим ҳудуд истеъмол бозорларига корхона тасарруфидаги чакана савдо дўконлари ва улгуржи савдо тармоқлари орқали аҳолига етказиб берилади.

Жорий йилда корхона ўз маҳсулотларини тармоғидаги 5 та савдо дўконлари орқали жами савдо айланмасининг 73,6 фоизини ёки 770.4 млн. сўмини сотган.

Шунингдек, товар айланишининг салкам 14 фоизи ёки 145 млн. сўми маҳаллий улгуржи савдо ва яқка тартибдаги тадбиркорларга сотиш орқали амалга оширилган. Шунини таъкидлаш жоизки, ўз маҳсулотини диверсификациялашда бу тартибдаги савдо 2009 йилга нисбатан анча самарасизлигини кўрсатди. Айниқса берилган маҳсулотлар бўйича тушумларни ўз вақтида қайтармаслик, ёки кечиктириб берилиши натижасида корхона фаолиятига жиддий таъсирини кўрсатиш мумкин эди. Кўрилган чора тадбирлар натижасида жорий йилда мазкур савдо улуши 18.5 фоиздан 13.8 фоизга ёки салкам 5 фоизга камайтиришга эришилди. Бу эса ҳисобот йили якунида ўз самарасини берди.

Корхона ўз навбатида мазкур савдо дўконлари орқали мос равишда айрим озиқ-овқат молларини ҳам воситачилик асосида сотишни амалга ошириб келмоқда. Жорий йилда мазкур савдо ҳиссаси 12,6 % фоизни ёки 132 млн. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилга нисбатан салкам 3 млн. кам миқдорни ташкил этган. Шунини таъкидлаш жоизки корхона раҳбарияти бу борада ҳам

⁴ И. Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий йўналишлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

танқидий ёндошиб, 2009 йил 9 ой якунлари бўйича ушбу савдо улушини ҳам камайтиришни режалаштирди. Сабаби, кўпчилик ҳолларда олиб келинган товук гўшти ёки тухуми маҳсулотлар ҳар доим ҳам харидоргир бўлавермайди. Шу сабабли уларнинг самараси деярли сезиларли бўлмайди. Кўрилган чора тадбирлар натижасида, мазкур савдо орқали товар айланиш улуши 2008 йилдаги 15 фоиздан 12.6 фоизга камайтиришга эришилди.

Бу борада яна шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, мазкур маҳсулотларни олиш борасида айрим ишлаб чиқариш корхоналари билан шартнома тузишганга қарамай, уларни бажариш устидан назорат йил давомида олиб борилмаган барча савдо шахобчалари бўлинмалари бошлиқлари томонидан, шу сабабли умумий савдодаги нисбат бор йўғи 14 % ни ташкил қилган, холос.

Корхона ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида қарзга олмоқчи бўлган молиявий ресурсларини олишдан олдин албатта бизнес режа тузади ва ушбу лойиҳанинг нақадар самара бериши ва ўзини қанча муддатда қоплай олишини чуқур таҳлил этади ва ушбу лойиҳадан қанча миқдорда самара кўришини ҳам инобатга олади ва ундан сўнггина ушбу бизнес режасини амалиётга татбиқ этишни бошлайди.

2.2. “Нур” МЧЖ хўжалиги паррандачилик маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича рақобатчилик ҳолати таҳлили

Корхона ишлаб чиқариш фаолиятни техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган бизнес характеридан келиб чиқиб белгиланади. Режада ишлаб чиқарилиши керак бўлган маҳсулот бўйича мавжуд кўзда тутилган жараёнлар ва активлар тасвирлаб берилади. Агар корхона қайта ишловчи ёки саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган бўлса, ишлаб чиқариш режаси зарур. Бу бўлимда ишлаб чиқариш ва технологик жараён тўла тасвирланган бўлиши керак. Режадаги тадбирлар босқичлар бўйича жуда аниқ шаклга эга бўлиши лозим. Масалан, янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиш, тайёрлаш муддати, истеъмол бозорини ташкил этиш, бозорга маҳсулотни олиб чиқиш даври ва ҳоказо. Бундан ташқари бу бўлимда ишлаб чиқариш қуввати, ходимлар сони, хом ашё материаллар манбаи ва сотишдан кейинги хизматлар стратегияси кўрсатилган бўлиши керак.

“Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида **экспортнинг умумий** ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо балансининг ижобий салдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси ҳам шунга мувофиқ равишда кўпайди.”⁵

Ишлаб чиқариш режаси маҳсулот номенклатураси, сотиш ҳажми ва маркетинг дастурига асосланади. Бу бўлимда ҳар бир маҳсулотлар тури

⁵ И. Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” – 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

бўйича, меҳнат ва материалларнинг нисбий нормативи жамият мутахассислари томонидан аниқланиб борилади.

Шу сабабли **“НУР” жамияти** тизимида маҳсулотларни сотиш режаси - бизнес режанинг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади. Унда қай тартибда маҳсулотлар тақсимланиши, баҳони ўрнатиш, бозорда маҳсулот ҳаракати ҳақида маълумотлар доимо бериб турилади. Бундан ташқари айрим паррандачилик маҳсулотлар турлари бўйича фойдалилик ҳақида олдиндан маълумотлар берилиб борилади.

Жамият бўйича юқорида амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, корхона маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш авваламбор бозор рақобатчиларини ўрганишдан бошланади.

“НУР” маъсулияти чекланган жамияти бўйича бизнес режа асосида паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлилин куйидаги **4-жадвалдан** ҳам кўришимиз мумкин.

Юқоридаги жадвал маълумотларига асосланган ҳолда шуни айтиб ўтишимиз мумкинки, корхона ўзининг 2009 йилдаги бизнес режасига асосан маҳсулот реализацияси ҳажмини 1070000 минг сўмга етказишни мақсад қилган бўлиб, бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 197453 минг сўмга ошиқни ташкил этган. Лекин амалда 872547 минг сўмни ташкил этган. Шу жумладан, 2009 йилда парранда тухуми реализацияси 970000 минг сўм режелаштирилган бўлиб амалда 801947 минг сўм, булиб 2008 йилга нисбатан 505 млн. сўмга ошиқ ва парранда гўшти эса 100000 минг сўмга режелаштирилиб 2008 йилга нисбатан 29400 минг сўмга ошиқ бўлган.

Албатта маҳсулот сотуви режасининг тузилиши аниқ мақсадлар билан ўзгариши ва тўлдирилиши мумкин. Тадбиркорларнинг ўзлари режанинг ҳажмини, унинг таркибини аниқлай олади, энг муҳими маҳсулот сотуви режаси куйидаги ахборотларни ўзида акс эттириши шарт:

- бозорнинг конъюнктурасини кўриб чиқиш;
- миқдорларнинг талаб ва эҳтиёжлари;
- товар сифати ва хусусиятларининг тавсифи;
- бозор сегментацияси ва статистикаси;
- рақобатнинг шароитлари;
- нархнинг стратегияси;
- самарали сотув, реклама ва товарнинг ҳаракатланиши;
- сотув ҳажмининг ўсиш кўрсаткичлари, режелаштирилган даврга бозорнинг ва фойданинг қисми.

2) Маҳсулот сотуви режасида мақсадларнинг аниқланиши:

Маҳсулот сотуви режасида мақсадларининг аниқланиши нима учун режа ишлаб чиқилиши саволи билан амалга оширилади. Маҳсулот сотувини режелаштиришнинг амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, унинг бизнесдаги роли бекиёс ва фаолиятни амалга оширишда унинг иштирокисиз тасаввур этиш жуда қийин.

Бу бўлимнинг мазмуни куйидаги саволларга жавоб топиш имконини бериши керак:

- мақсадли бозорнинг тавсифи;

- мақсадли бозорнинг ҳажми қандай;
- мақсадли бозорга қандай асосий сегментлар киради;
- миқдори бозорнинг қайси эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги;
- эҳтиёжларни қондириш учун қандай товарларни таклиф этиш;
- товарларнинг қиймати қандай;
- бозор ҳажмининг қанча ҳиссаси корхонага тегишлилиги;
- рақобатчиларнинг кимлиги ва уларнинг бозордаги ўрни;
- товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш каналлари қандай.
- корхонанинг реклама воситалари қандай.

“НУР” жамияти ўз рақобатчиларининг батафсил таҳлилинини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Рақобатчилар фаолиятини ўрганиш тўғрисидаги маълумотни ва қўшимча тадқиқотлар бўйича маълумотларни гуруҳлаштириб, қуйидаги жадвалларга киритиш лозим.

Юқорида келтирилган жадвалларга киритилган маълумотлар ушбу бўлимни тайёрлаш бўйича таклиф ва ҳулосаларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ушбу таҳлилдан мақсад рақобат устунлигини аниқлаб, уларни ривожлантириб ҳамда камчиликларини аниқлаб, маҳсулот сотувини комплекс режалаштиришда зарур чораларни аниқлашдан иборат.

2.3. “НУР” МЧЖ фаолиятини диверсификациялаш асосида ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш стратегиялари

Ҳозирги маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятини диверсификациялаш шароитида амалга оширилган тадқиқотлар асосида **“НУР” МЧЖ** паррандачилик хўжалиги бизнес режасининг стратегияси ишлаб чиқилди. Бу стратегик қарор қабул қилувчи шахслар бутун корхонани барбод қилиш ёки омадга эришишни таъминловчилардир. Бу борада давлат томонидан озиқ-овқат тармоқларини қўллаб-қувватлаш муҳим тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

“Озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг қўлланма рағбатлантириш тизими назарда тутилган.

Бизнес-рўйх асосида ташкилотнинг мақсадлари юзага келади, яъни пировард натижада ўз фаолиятдан эришмоқчи бўлган натижа пайдо бўлади. Ҳозирги мамлактни модернизациялаштириш шароитида **“НУР” МЧЖ** паррандачилик хўжалиги ўз молиявий салоҳиятини ошириш мақсадида ўзининг молиявий ҳолатини тиклаш Дастурини ишлаб чиқди. Унинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, хўжалик 2010 йилгача бўлган даврда хўжалик фаолиятини янада ривожлантириш, такомиллаштириш учун жами бўлиб 102 млн. сўмдан ортиқ капитал маблағ зарурлигини ҳисоб-китоб қилмоқда. Маблағларнинг асосий қисми инвесторлар томонидан ҳамкорлик асосида амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Бунинг Корейнинг Сан-Дон Жу корхонаси билан ўзаро келишувлар амалга оширилмоқда. Лойиҳа 2009 йилнинг ноябрь ойидан амалга оширилиб борилади. Ва 2010 йилнинг биринчи

чорагида дастлабки ишлаб чиқарилагн маҳсулотларнинг 60 фоизи ҳамкор билан ўзаро молиявий тикланиш ва барқарорликни сақлаш мақсадида амалга оширилади.

Шунингдек Республика тикланиш ва тараққийт банки томонидан йиллик 8 фоиз ҳисобидан салкам 20 млн. сўмлик маблағ, техника ва технолиялар сотиб олиш учун шартномалар тузилди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда корхонада парранда тухумини ишлаб чиқариш миқдорини 6500 минг донага етказиш режалаштирилиб бу амалдаги 2009 йилга нисбатан 1500 минг дона кшп. Парранда гўштини ишлаб чиқариш ҳажмини 14167 кг га режалаштирган бўлиб бу кўрсаткич 2009 йилдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажмидан 2400 кг га кўпроқдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини дивесификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.”⁶

Мақсадни ўта кенг ва катта ҳажмда ёзиш ҳам кутилган натижа бермайди. Ўта қиска ёритиш эса айрим ҳолатларни тушириб қолдиришга ва инвесторларда корхона фаолияти ҳақида нотўғри тушунча пайдо бўлишига олиб келади. Бизнес режанинг кириш қисми корхона бошқарувчиларининг асосий фаолиятларига бўлган аниқ муносабатларини ифодалайди.

⁶ Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғофуров У.В., Тухлиев Б.К. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.- 109 б.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунга келиб озиқ-овқат маҳсулотларини бўлган талабнинг жаҳон миқёсида ошиб бориши ўз навбатида жаҳонда озиқ-овқат танқислиги кучайиб бораётганлигидан дарак беради. Мамлакатда аҳолининг фаровон турмуш тарзини ўтказишда озиқ-овқат асқат саноатининг аҳамияти беқиёсдир. Ушбу саноатнинг барқарор ривожланиши ўз навбатида мамлакатдаги турмуш тарзининг тўкин сочинлик асосида ўтишининг гарови ҳисобланади.

Озиқ-овқат саноатидаги кичик бизнеснинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий муносабатларидаги аҳамиятни юқорида келтирилганлардан белгилаб олиб илмий тадқиқот ишини амалга оширишда паррандачилик саноатида кичик бизнеснинг роли ва унинг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора – тадбирлари натижаларини ушбу соҳада фаолият юритаётган “НУР” МЧЖ бизнес режасининг таҳлили асосида баҳолаш натижасида қуйдаги хуласаларга олиб келди:

- паррандачилик бизнес субъектларининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш бўйича муаммолари.

- паррандачилик саноатида бизнес субъектларини солиққа тортиш билан боғлиқ муаммолар. Паррандачилик саноатида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарнинг ривожланиш даражасига иш ҳақидан олинадиган солиқлар тўсқинлик қилмоқда.

- малакали кадрлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги, асосан мутахассислар, менежерлар, маркетинглар ва бошқалар билан тўлиқ таъминланмаганлиги;

- паррандачилик бизнес субъектлари бизнес режасини тузишда унинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланмиш ишлаб чиқариш режаси ва маркетинг режаларининг мукамал тарзда ишлаб чиқилмаслиги ва бунга кадрлар малакасининг пастлиги;

- бизнес режани ишлаб чиқишда корхонанинг бошлиғи ва унинг масъул ходимлари ушбу жараёнда қатнашмаслиги ва бошқалар.

- паррандачилик саноатидаги кичик бизнес субъектларига гаровсиз кредитларни бериш ва уларнинг мониторинги доимий олиб бориш, айланма воситаларини кўпайтиришлари учун қисқа муддатли кредитларни жалб этиш, бундан ташқари микромолиялаш институтларининг кредитлар бўйича кафолатларни бериш механизмларини қўллаш орқали ўз вақтида ва самарали қўллаб-қувватланиши.

Юқорида келтирилган тавсия ва таклифларнинг муваффақиятли амалга оширилиши паррандачилик бизнес субъектлари фаолиятининг кескин ривожланишига, молиявий инқироз шароитида озиқ-овқат саноатидаги кичик бизнес субъектининг самарали бизнес режасини ишлаб чиқиши орқали барқарор даромадга эга бўлишига ва бозордаги таъсири қўламини оширишига имконият яратади ва истиқболда муваффақиятли фаолият юритишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2010 йил.
2. “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тўғрисидаги ЎзР Қонуни. 2005 йил 5 май.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. - Т.: 1996 й. 16 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 26 январда ПҚ-1047 сонли қарори
4. И. А. Каримов. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузаси// Халқ сўзи газетаси, 12.11.2010.
5. . И. Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” – 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Т.:Ўзбекистон, 2005,-96 б.
7. И. Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 бет
8. Qosimova M.S., Abduhalilova L.T. Marketing tadqiqotlari. – Т.: TDIU, 2007.159 bet.
9. Лукина А.В.Маркетинг товаров и услуг: учеб.пос. - М.:ФОРУМ,2008.-240с.
10. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: 17 - е изд. – М.: ИНФРА – М, 2009. – 916 с.
11. “Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2005 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари”//.Муллажонов – “Банк ахборотномаси”газетаси 2008 йил 30 март № 14 (465)
44. “НУР” МЧЖ паррандачилик хўжалиги 2008-2010 йиллик статистик йиллик ҳисобот маълумотлари.
12. <http://www.bisnis&eurasia.org>
13. <http://www.bisnis.doc.gov>
14. <http://www.gov.uz>
15. <http://www.stat.uz>